

Олий таълим муассасаларида
диплом лойиҳасини
тайёрлаш ва ҳимоя қилиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМга 1-илова

Тошкент Архитектура-қурилиш институти
(ОТМ номи)

Мухандислик-қурилиш инфраструктураси
(факультет номи)

“Инженерлик коммуникацияларини лойиҳалаш, қуриш ва ишлатиш”
кафедраси

ДИПЛОМ ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА

Т У Ш У Н Т И Р И Ш Х А Т И

Диплом лойиҳасининг мавзуси

“Ғиждувон шаҳрининг оқова сувларини оқизиш”.

Битирувчи 66-09 ИК гуруҳ талабаси

Хидоятлов Ё.Ш.

Кафедра мудири:

т.ф.н.,доц.Буриев Э.С.

Диплом лойиҳаси раҳбари:

Катта ўқитувчи Низамова Ш.А.

Маслаҳатчилар:

Тошкент- 2013 йил

МУНДАРИЖА

Кириш.....	
Шаҳарнинг табиий ва иқлимий шароити.....	
<i>1-боб.. Технологик қисм</i>	
1.1.Оқова сув таърифи ва туркумлари.....	
1.2. Оқова сув оқизиш схемаси ва системасини танлаш.....	
1.3. Оқова сувларни қабул қилиш шартлари.....	
1.4. Аҳоли сонини аниқлаш.....	
1.5.Шаҳар бўйича ҳисобий сарфларни аниқлаш.....	
1.6.Саноат корхоналари бўйича ҳисобий сарфни таниқлаш.....	
1.7.Тармоқни гидравлик ҳисоби.....	
1.8.Оқова сув ларни оқизиш тизимларида жойлашган иншоотлар.....	
1.9.Канализация насос станциялари.....	
1.10.Фойдаланилган қувурларнинг материалларига қўйиладиган талаблар.....	
1.11.Кудуқлар.....	
1.12. Қувурларни темир йўлдан ёки дарёлардан ўтказиш (дюкер).....	
<i>2.боб.. Иқтисодиёт</i>	
2.1.	
2.2.	
2.3.	
<i>3.боб. Меҳнатни муҳофаза қилиш</i>	
3.1.	
3.2.	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

Кириш

Сув таъминоти ва канализация соҳаси шаҳар хўжалигида муҳим ўринга эга. Шаҳар аҳолисини сифатли ва зарур миқторда сув билан таъминлаш, шаҳарда ҳосил бўладиган оқава сувларни тозалаш иншоотларида талаб қилинган даражада тозалаш санитария-техник жихатидан аҳамиятга моликдир. Ичимлик сув билан таъминлаш, оқава сувларни оқизиш ва тозалаш аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш билан бирга сув орқали ўтадиган ҳар хил касалликларнинг олдини ҳам олади. Иссиқ иқлим шароитида ҳаёт ва инсон фаолияти учун сув алоҳида салмоқли ўрин эгаллайди. Ўрта Осиёда қадим замонлардан буён сув энг катта бойлик бўлиб келган, уни эъзозлашган ва тежашган.

Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, шаҳар аҳолиси барча зомонларда сувни ариқлардан ёки сув йиғиш ва тиндириш учун мўлжалланган махсус мослама-ҳовузлардан олишган. Табиий манбалардан сув оли, уни тозалаш, зарарсизлантириш, ҳамда аҳоли, саноат корхоналари ва бошқаларга узатишни таъминловчи муҳандислик иншоотлари ва қурулмалари мажмуини қуриш билан аҳолини керакли миқдорда ва босида, сифатли ичимлик- хўжалик суви билан таъминлаш мумкин.

Ҳозирги пайтда сув ҳавзаларини ифлосланишини олдини олишга жуда катта аҳамият берилган. Маиший хўжалик ва саноат корхоналаридан чиқадиган оқава сувлар маълум бир иншоотларда тозаланиб, уларни яна сув ҳавзаларига оқизилади. Шу билан бирга сув ҳавзаларни маълум даражада ифлослантирилади. Кейинги йилларда ҳукуматимиз ва давлатимиз томонидан қатор қарорлар қабул қилиниб, улар асосан сув ҳавзаларининг санитария ҳолатларини яхшилашга қаратилгандир.

Саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарини тез ривожланиши сув ҳавзаларини оқава сувлар билан ифлосланишнинг бирдан-бир омилidir. Кўп миқдорда оқава сувларни сув ҳавзаларига тушириш билан бирга, уларнинг тозалигини сақлаб қолиш сув хўжалигида муҳим вазифалар қаторига киради. Шунинг учун ҳам оқава сувларни тозалаш усулини туғри танлаш билан сув ҳавзаларига тушириладиган сувларни санитария нормалари талабига тўла мувофиқ қилишини таъминлаш мумкин.

Оқава сувларнинг таркибида ҳар хил турдаги ифлос моддалар бўлади. Уларнинг таркибидаги органик ифлос моддалар, бактериялар ривожланиши учун қулай шароит яратади. Шунинг учун оқава сувларни тозалашда уларнинг таркибидаги ифлос моддаларни, айниқса органик моддаларни сувдан ажратиб олиш ва зарарсизлантириш муҳим омиллардан биридир.

Оқава сувларни механик, физика-кимёвий ва биологик усулларда тозаланади. Оқава сувлар таркибидаги бактерияларни йўқотиш учун уларни зарарсизлантирилади.

Механик тозалаш оқава сувлар таркибидаги эримаган ифлос моддаларни сузиш, тиндириш ва филтрлаш йўли билан сувдан ажратиб олишдир.

Кимёвий тозалаш усули оқава сувга кимёвий реагентларни қўшишдан иборатдир, бу реагентлар оқава сув таркибидаги эримаган, коллоидли ва эриган модда заррачаларини чўкишга имкон яратади.

Биологик тозалаш усули оқава сув таркибидаги микрожонзодларнинг яшаш шароитига асосланган бўлиб, бу жонзодлар оқава сув таркибидаги органик моддаларни оксидлаш ва қайта тиклаш учун хизмат қилади.

Иншоатларда тутилган чиқиндилар тегишли иншоатларда ачитилиб, улар сувсизлантирилади ва зарарсизлантирилади.

Шаҳарнинг табиий ва иқлимий шароити

Самарканд шаҳри Самарқанд вилоятида жойлашган . Вилоят Ўзбекистон Республикасининг марказий қисмида жойлашган бўлиб, эгаллаган майдони 16 ,7 минг кв км дир.

Самарканд шаҳарида саноат корхоналари мавжуд. Булар-пахта-коғоз комбинатлари, ипак йиғириш ва тикув фабрикалари, пахта тозалаш, консерва, виночилик, таъмирлаш-механика заводлари ва бошқалар. Самарканд вилоятининг иқлими тез узгарувчандир. Хароратнинг ўртача йиллик харорати $+12 -14^{\circ}\text{C}$, минимал харорати -26°C ли январ ўта совук ой ҳисобланади.

Ўта иссиқ ой эса максимал харорати $+42^{\circ}\text{C}$ ли июл ойидир. Ёғингарчиликларнинг миқдори 1 йилда 202-414 мм ни ташкил қилади.

Вилоят ҳудуди зилзила бардошлик бўйича 7-8 баллик зонага киради.

Самарканд шаҳрининг асосий сув томири Зарафшон дарёси ҳисобланади. Ундан Даргом , Янгиарик, Эскиангар, Булунгур ва бошқа йирик каналлар уз бошланишларини олади.

Вилоятнинг ғарбий қисмидаги ғрунт сувлари 0,8 – 5 мм гача чуқурда жойлашган бўлиб, минералланишнинг юкори-1дан 5 г/л ва кўпроқ даражадалиги билан характерланади.

Баъзи бир жойларда катта бўлмаган микдорда чучук ва камминералланган сувлар бўлиб, улар Зарафшон дарёси ва унинг ирмуклари каналлари бўйида линза куринишида шаклланади.

Самарканд шаҳар аҳолисининг ичимлик суви билан таъминлаш учун кўп микдорда ер ости чучук сув ресурслари жойлашган. Самарканд вилоятида энг йирик сув конлари-Зарафшон дарёси водийси ҳисобланади.

1.1.Оқова сув таъриффи ва туркумлари

Оқова сувларини оқизиш тизимлари-муҳандислик қурилмаларини ва аҳоли турар жойларини, аҳоли, саноат корхоналари ва маъмурий биноларни ободонлаштиришнинг бир қўринишидур

Оқова сувларини оқизиш-илмий техник соҳа бўлиб, тармоқлар ва иншоотлар комплекс қурилмасига аҳоли турар жойлардан ва саноат корхоналарида ҳосил бўладиган оқова сувларни бир тартибда қабул қилиш ва уларни қувурлар ёрдамида ташқарига узатиш, тозалаш, улардан фойдаланишдан ёки сув хавзаларига ташлашдан олдин зарарсизлантиришдан иборатдир

Ички сув билан таъминланган ва оқова сувларни оқизиш қурилмалари билан жихозланган бинолар канализация объектлари ҳисобланади. Оқова сувларини оқизиш тизимлари 2 га бўлинади: ички ва ташқи .

Ички оқова сувларни оқизиш -оқова сувларни қабул қилиш ва уларни бинодан ташқарига, ташқи канализация тармоқларига оқизиш учун хизмат қилади.

Ташқи оқова сувларни оқизиш -оқова сувларни аҳоли турар жойидан ёки саноат корхоналаридан ташқарига тозалаш бекатларига оқизиш учун хизмат қилади.

Оқова сув деб, маълум бир мақсад учун ишлатилган сув бўлиб маиший хўжалик, саноат ва бошқалар ишлатилиши натижасида маълум бир микдорда қушимча ифлослар олиши натижасида аввалги физикавий ва кимёвий хусусиятларни ва туркумларни узгартирган сувларга, шу билан бирга оқова сувларга аҳоли турар жойлардан ва саноат корхона майдонларидан ёгингарчилик натижасида оқиб келадиган сувлар ҳам қиради.

Оқова сувларнинг аломатларига қараб туркумларга ажратиш мумкин

1. Оқова сувни ҳосил қилувчи сувнинг табиати бўйича қуйидаги турларга бўлинади:

- ичимлик сувларни ишлатилиши натижасида ҳосил бўлган оқова сувлар;
- саноат корхоналари майдонларида ер остидаги сувларни технологик жараён учун ташқарига тортиб чиқазиш натижасида ҳосил бўлган оқова сувлар.
- майдонларда ёгингарчилик натижасида ҳосил бўлган оқова сувлар;

2. Оқова сувларни ҳосил бўлган майдонига қараб , бу курсатгичлар бўйича қуйидаги турга бўлинади :

- Саноат корхоналарида ҳосил бўладиган оқова сувлар саноат, маиший хўжалик ва ёгингарчиликдан ҳосил бўлган сувлар ;
- аҳоли турар жойларида ҳосил бўлган сувлар - сувларнинг барчаси аҳоли турар жойларидан ташқарига чиқазилади;

3. Оқова сувларни ифлосланганлик табиати , бу курсатгич бўйича қуйидаги турларга бўлинади :

- саноат сувлари ;
- маиший хўжалик сувлари;
- ёмғир сувларни ифлосланиш хусусиятларига қура :

4. Оқова сувларни ифлосланиш хусусиятларига қура :

- шартли тоза;
- ифлосланган ;

- захарланган;
- юкумли касал таркатувчилар билан ифлосланган.

5. Окова сувларни канализация тармокларига доимий тушиши ҳолатларига кура куйидаги турга бўлинади:

- Окова сувларни доимий оқиши - маиший хужалик ва саноат сувлари;
- Даврий равишда канализация тармокларига тушувчи сувлар - баъзи ҳолларда узок узилиш бўлиши мумкин -бу ёмғир сувлари.

Учинчи гуруҳдаги окова сувларни куриб чиқамиз.

Маиший хужалик окова сувлари уйларда ,маъмурий ва саноат корхона биноларида жойлаштирилган санитар асбобларидан тушувчи сувлардир. Бу сувлар асосан физиологик ажралган ва хужалик чиқиндилар билан ифлосланган бўлади, шу билан бирга касал таркатувчи бактериялар ҳам бўлиши мумкин. Бу туркумдаги сувларга корхоналарда, хаммомларда ва душхоналарда ҳосил бўлган окова сувлар ҳам қиради.

Саноат сувлари ишлаб чиқариш саноатида ҳар турдаги технологик жараёнларни ни бажариш учун ишлатилган сувлардан ҳосил бўлган окова сувлар қиради ;

- машина ускуналари совиши,газмолларни буяш ва ювиш, ва бошқа турлар.

Ёгингарчилик сувлари ёки ёмғир ёгингарчилик натижасида ҳосил бўлган сувлар ёмғир,корнинг ва музнинг эриши.

Маиший хужалик окова сувларнинг ифлосланганлик хусусиятлари асосан узгармас бўлади : уларнинг концепцияси суткадан битта одамга сув истеъмол қилиш меъёрига боғлиқдир. Саноат окова сувларнинг ифлосланганлиги корхонадаги технологик жараёнга , ишлаб чиқариладиган маҳсулотга боғлиқдир; органик ифлослар пластмасса,коғоз ва бошқа : минерал металлургия,химия заводи ва бошқалар : аралаш сунъий толалар: захарли ва сезиларли даражада бактериал ифлослар чучкаҳонада.Ҳар хил турдаги органик ва минерал моддалар билан ифлосланган окова сувларда моддалар эриган, коллоидли,суспензияли ва эримаган моддалар ҳолатларида бўлиши мумкин.

Окова сувларнинг ифлосланганлик даражаси концепцияси бўйича аниқла нади, яъни бир бирликда сув миқдорида ифлосларнинг массаси, мг/л :грамм/м.куб. улчамларида. Окова сув миқдори - окова сув ҳажмининг вақт бирлигига нисбати билан аниқланади,м.куб/сут: м.куб/соат:литр/сек.

1.2. Окова сув оқизиш схемаси ва системасини танлаш

1. Окова сувларнинг ҳосил бўладиган жойларда қабул қилиб уларни тозалаш иншоотларига узатишдир.

2. Окова сувларни тозалаш ва зарарсизлантириш.
3. Окова сув ва чукинди таркибидаги фойдали моддаларни ажратиб олиш.
4. Тозаланган окова сувларни сув хавзаларига окизиш.

Икки хил турдаги канализация мавжуд: олиб кетадиган ва окизиладиган;

олиб кетиладиганли- суюк ҳолатдаги чикиндиларни махсус курулмаларда йигилаб ва маълум вақт ичида махсус машиналарда олиб кетилади,- окизиладиган-окова сувлар ер остида қурилган қувурлар ердамида тозалаш иншоотларига окизилади ва уларда окова сувлар асосан сунъий шароитда яратилган иншоотларда тозаланади, тоزالанган сувлар зарарсизлантирилиб сув хавзаларига окизилади ва тозалаш натижасида тутилган чикиндиларга махсус ишлов берилади.

Барча турдаги канализация иншоотлари икки гуруҳга бўлинади :

1 гуруҳга: 1 ички канализация қурилмаларининг ички сув тармоклари бўлган тақдирда чикиндиларни сув билан аралаштириб қувурларда окизиш учун қурилади.

2. Ташки канализация тармоклари.3.Насос бекатлари ва босимли қувурлар.

2. гуруҳга: 1.Тозалаш иншоотларида окова сувларни тозалаш,зарарсизлантириш ва чукиндиларга ишлов бериш.

2. Тозаланган окова сувларни сув хавзаларига окизиш.

Хар бир сув қабул қилувчи қурилмалар гидравлик тусик билан жиҳозланади, бу тусиклар канализация тармоғидан хонага сассик хидларни ўтқизмаслик учун хизмат қилади

Ташки канализация тармоқлар.

Бу ер остида жойлаштирилган тармоқланган қувурлар тупламидан иборат бўлиб,окова сувларни босимсиз насос бекатларига ёки тозалаш иншоотларига ўтказиб беради.Ташки канализация тармоклари қурилиш мақсади,ётқизилган жойи ва катта қияликлигига қура қуйидаги турларга бўлинади: ховли , кварталлараро,саноат ва куча.

Ташки тармоқланган тармоқлар катта майдонни эгаллайди ва бу тармоқларда окова сув асосан босимсиз окизилади. Шу сабабли бу канализацияланадиган майдонларни қўпчанча канализация ҳовузларига бўлинади.

Канализация ҳовузлари-канализацияланадиган майдоннинг бир қисми бўлиб улар сув ажратувчилар билан чегарланган,яъни майдоннинг ер сатҳини энг юқориси бўлиб, бу сатҳидан ер рельефи ҳовуз ичкарасига қараб пасайиб боради.


расм

Хар бир ҳавуз ичида куча канализация тармоклари битта ёки бир нечта коллекторлар билан бирлашади, коллекторлар окова сувларни ҳовуз чегарасидан ташқарига чиқазади.

Коллекторлар - куча канализация тармоқларининг бир қисми бўлиб бир ёки бир нечта сув ҳовузларида жойлашган ёки саноат тармоқларидан сув олувчи қурилма.Коллекторлар қуйидаги турларга бўлинади : 1. Канализация

ховуз коллекторлари, сув ховузида жойлашган канализация тармоқларининг бир нечтаси бирлаштиради; 2. Бош коллектор бир ёки бир нечта ховузида жойлашган коллекторларни бирлаштиради; 3. Шаҳар ташқарисидаги коллектор, қушимча қувурлар уланмайдиган, оқова сувлар- транзит ҳолатда канализацияланган майдондан ташқаридаги насос бекатларига ёки тозалаш иншоотларига оқизадиган қувур


Ховли канализация тармоқлари битта ховли чегарасида жойлаштирилади ва битта ёки бир нечта уйлар учун хизмат қилади.



1.1 расм. Канализация тармоқлари схемалари.


а-перпендикуляр, б-кесишган, в-параллел, г-зонали, д-радиал

1.2. расм. Ховли канализацияси.



1.3.расм.Кварталлараро канализация.

Саноат канализация тармоклари саноат майдонида тармоклар шаҳар канализация тармоқларига уланилади.



1.4 расм. Саноат корхоналари майдонида ёткизилган канализация тармоклари.

Канализация тармоклари ва коллекторлар ҳар доим текшириш, тозалаш ва ювиш имкониятлари бўлиши лозим. Шу мақсадда уларда қўриш қудуқлари жойлаштирилади.


Дарёлар, жарликлар, трамвай йуллари, автомобил йулларидан коллекторлар кесиб ўтганда дюкер, эстокада ва махсус ўтиш қурилмалар ёрдамида утилади.

Оқова сувлар тозалаш иншоотларига, агарда жойнинг рельефига қура иложи бўлса асосан босимсиз қувурлар ёрдамида оқизилади, аммо лекин коллекторлар катта чуқурликда жойлашганда ва канализация пасткам жойларда жойлашганда насос бекатларни қуришга тугри келади, улар оқова сувларни юкорирок жойга қутариб берадилар ва у ердан босимсиз қувурлар ёрдамида оқова сувлар тозалаш бекатларига оқизилади. Насос бекатларининг қурилган жойи ва мақсадига қура қуйидаги турга бўлинади: маҳаллий бир ёки бир нечта канализация майдонларидаги оқова сувларни қутариш мақсадида; минтакалий, айрим минтакалардаги ёки канализациялаш ҳовузларидаги оқова сувларни қутариш мақсадида; бош, канализацияланадиган аҳоли турар жойдаги ёки саноат корхоналаридаги барча оқова сувларни қутариш мақсадида. Канализация тармоқларидаги насос бекатидан босимсиз қувурга ёки тозалаш бекатига қуриш оралиқдаги қувурларни босимли қувурлар дейилади.

Оқова сувларни тозалаш учун мулжалланган иншоотларни тозалаш иншоотлари дейилади. Тозаланган оқова сувларни тозалаш иншоотларидан

сув хавзаларигача булган ораликдаги канал ёки кувурларни сув чиказувчилар дейилади.

Сув чиказувчи кувурлар асосий ва фавкулотли булиши мумкин. Окова сувларни тозалаш усули,иншоотларнинг турлари ,окова сувнинг ифлослик концентрациясига,тозалаш даражасига ,сув хавзаларининг уз-узини тозалаш курбига ва бошка омилларга караб аникланади.Тозалаш бекатлари ахоли турар жойга нисбатан сув окимининг пастки кисмида жойлаштирилади.



1.5расм. Кўча тармоқларини трассалаш

1.3. Окова сувларни қабул қилиш шартлари

Турли мақсадда мулжалланган канализация тармоқларидан тугри фойдаланишни таъминлаш мақсадида , ҳамда ҳар хил турдаги зарарли моддаларни кувур ва кудуклар материалларига таъсиридан ва уларни мулжаллангандан олдин бузилиши саклаш учун канализация тармоқларига оқова сувларни окизиш катор талабларни эътиборга олган ҳолда амалга оширилади.

1. Маиший хужалик ва саноат канализациясига оқова сувлар санитар асбоблар оркали туширилиши шарт ва санитар асбоблар гидравлик тусиклар билан таъминланган булади.

2. Ёмгир канализациясига ёмгир сувлари ёмгир қабул килувчи кудуклар оркали амалга оширилди.

3. Саноат оқова сувлари умумий окизиш ва маиший хужалик канализацияси шаҳар канализация тармоқлари ва тозалаш иншоотларнинг ишлаш шароитини бузмаган ҳолда қабул килинади. Шаҳар канализация тармоқларига тушириладиган ва маиший хужалик оқова сувлари билан биргаликда тозаланадиган саноат оқова сувлар таркибида қуйидагилар бўлмаслиги керак:

а/ Минерал ва органик моддалардан иборат бўлган муаллак ва сув юзасида сузиб чикувчи ифлосларнинг микдори 500 мг/л дан ошмаслиги; шаҳар канализация тармоқларидаги кувур ва иншоотлар материаллари коррозиялаш натижасида бузилишга олиб келадиган катта микдорда кислота ва ишқорлар бўлмаслиги;

в/. Нефтлар, бензин, бензол керосин буларнинг буглари иншоотларни портлашга олиб келиши мумкин.

г/. Биологик тозалашга тускинлик киладиган юкори концентрацияли ифлос моддалар ;

д/. Оқова сувларнинг ҳарорати 40 С дан ошмаслиги керак.

Юкорида келтирилган талабларга жабов бермайдиган оқова сувлар шаҳар канализациясига ташлаш учун қайта тайёрланиши керак. Бунинг учун оқова сувлар маҳаллий тозалаш иншоотларида олдиндан тозаланади.

1.4. Аҳоли сонини аниқлаш

Оқова свларни оқизиш тармокларини куриш учун катта маблаг талаб килинади, айникса катта диаметрли кувурлардан куриш. Тармокларнинг катта-кичиклиги окизиладиган окова сув микдорига богликдир,улар уз навбатида одамларнинг сонига богликдир.Бундан куринадики канализацияни лойихалаш аввалом бор ахоли сонига богликдир.Бундай киймат тушунча шундай ахоли сони тушуниладики бу канализация хисоблий даврининг охирида шу ахоли яшайдиган жойдаги одамлар сони. Шахарнинг хар бир минта-каларида хар хил одамлар яшайди,уларнинг сони биноларнинг каватлилигига,хусусиятлари ва турар жойларнинг ободонлаштиришлик даражасига богликдир Купинча ахоли зичлигини минтакалар буйича аникланади.

Ахоли зичлиги тушунчасига бир гектар майдонда яшовчи ахоли сонига айтилади.

Дахаларда яшайдиган ахоли сонини аниклаш учун хар бир даха майдонини шу дахада жойлашган минтаканинг ахоли зичлиги купайтмасига тенг яъни ,

$$N = F P ;$$

бу ерда N - ахоли сони , одам ;
 F - даалар майдони ,гектар ;
 P - минтаканинг ахоли зичлиги ;

Шахарнинг хар бир ривожланиш даврига бутун шахар буйича ёки хар бир минтакалар буйича хисобли ахоли сони белгиланади.

Шахарда яшайдиган ахоли сонини аниклаганда ,алохида саноат корхоналарида ишловчи ишчилар ва хизматчилар сони аникланади, чунки улар маиший хужалик эхтиёжлари учун кушимча сув ишлатадилар. Ташки канализация тармоклари ахоли зичлиги хар бир гектар майдонга 50 одамдан ошганда лойихаланади, бу кийматдан кам булганда,махаллий канализация тизимлари лойихаланади.

Туманлар тартиби	кварталлар тартиби	Майдон F, га	Аҳоли зичлиги P, одам/га	Аҳоли сони N, одам
I	1	4.93	200	986.0
	2	5.43		1086.0
	3	5.43		186.0
	4	2.68		536.0
	5	8.71		1742.0
	6	9.75		1950.0
	7	9.75		1950.0
	8	4.81		962.0
	9	6.2		1240.0
	10	6.94		1388.0
	11	9.62		1924.0
	12	4.62		924.0
	13	4.21		842.0
	14	2.48		496.0
	15	6.33		1266.0
	16	4.13		826.0
	17	7.65		1530.0
	18	12.33		2466.0
	19	5.1		1020.0
	20	5.9		1180.0
	21	8.86		1772.0
	22	3.32		664.0
		Σ139.18		Σ27836.0
II	23	2.31	170	392.70
	24	4.41		7.49
	25	4.55		773.50
	26	4.2		414.0
	27	8.16		1387.20
	28	8.29		1409.30
	29	4.33		736.10
	30	8.16		138.20
	31	8.29		1409.30
	32	5.93		1008.10
	33	6.8		1156.0
	34	6.05		1028.50
	35	7.26		1234.20
	36	7.05		1198.50
		Σ85.80		Σ14586.0
	37	6.2		1178.0

III	38	10.3	190	1957.0
	39	5.93		1126.70
	40	6.85		1301.50
	41	4.84		1109.60
	42	7.25		1377.50
	43	4.86		923.40
	44	3.4		646.0
	45	2.8		532.0
	46	2.71		514.90
	47	0.92		174.80
	48	4.59		872.10
	49	8.94		1698.60
		Σ 8.94		Σ 13412.10

Аҳолидан келаётган окава сувнинг сарфини аниклаш

2-чи жадвал

Нохиялар тартиби	Дахалар тартиби	Ахоли сони одам N	Нисбий окова сув меъёр қ л/мин одам	Кунлик уртаа сарф м3/кун Q mid	Секундлик уртаа сарф л/сек q mid (S)
I		986.0	160	157.76	1.82
		1086.0		173.76	2.01
		1086.0		173.76	2.01
		536.0		85.76	1.0
		1742.0		278.72	3.22
		1950.0		312.0	3.61
		1950.0		312.0	3.61
		962.0		153.92	1.8
		1240.0		198.40	2.3
		1388.0		222.1	2.6
		1924.0		307.8	3.6
		924.0		147.8	1.7
		842.0		1347.7	1.55
		496.0		79.36	0.91
		1266.0		202.6	23.44
		826.0		132.2	1.53
		1530.0		244.8	2.83
		2466.0		394.56	4.6
		1020.0		163.20	1.9
		1180.0		188.8	2.18
		1772.0		283.52	3.28
		664.0		106.2	1.22
		Σ27836.0		Σ4453.7600	Σ51.54
II	23	392.70	260	102.0	1.18
	24	749.70		194.92	2.25
	25	773.50		201.1	2.32
	26	414.0		107.64	1.24
	27	1387.20		221.95	2.6
	28	1409.30		366.42	4.24
	29	736.10		191.4	2.21
	30	1387.20		360.7	4.17
	31	1409.30		366.5	4.24
	32	1008.10		262.1	3.0
	33	1156.0		300.6	3.5
	34	1028.50		267.41	3.09
	35	1234.20		320.89	3.70

	36	1198.50		311.6	3.60
		Σ 14586.0		Σ 37923.600	Σ 43.8
	37	1178.0		353.40	4.09
	38	1957.0		587.10	6.80
	39	1126.70		338.0	3.92
	40	1301.50		390.45	4.05
	41	1109.60		332.9	3.87
	42	1377.50		413.25	4.78
	43	923.40		277.0	3.21
	44	646.0		193.80	2.24
	45	532.0		159.60	1.85
	46	514.90		138.8	1.78
	47	174.80		52.44	0.92
	48	872.10		261.60	3.03
	49	1698.60		509.6	2.9
		Σ 13412.10		Σ 4023.6000	Σ 46.56

ШАХАР БОЙИА ОКАВА СУЛАРИНИГ САРФИНИ КОРСАТУЧИ ЖАДВАЛ

[illegible]

Хисоблаш участкалари учун окова сув сарифини аниклаш

Болимлар ора номер	Секнддаш ўртаа сарф				Умумий нотекислик коэффициент		Тўплаш сариф		Умумий хисоблаш сарф
0-1	0,913	-	-	0,913	2,5	2,283	-	-	2,283
1-2	16,16	0,913	0,913	34,42	2,5	8,605	-	-	8,605
2-3	1,8	1,61	3,442	6,852	2,3	15,76	54,8	-	70,6
3-4	1,8	3,82	6,852	12,472	2,05	25,57	-	54,84	80,41
4-5	1,78	3,82	12,472	18,072	1,93	34,88	-	54,84	89,72
5-6	0,85	6,646	180,72	25,568	1,88	48,07	-	54,84	102,91
6-7	1,1	3,645	25,57	30,31	1,83	55,47	6,44	54,84	116,75
7-8	2,09	4,44	30,31	36,843	1,81	66,68	-	61,28	127,96
8-9	1,52	8,51	38,643	46,873	1,72	80,62	-	61,28	141,9
9-10	1,54	1,51	46,873	99,923	1,7	84,7	-	61,28	146,15
10-11	1,96	1,55	89,923	53,433	1,7	90,84	-	61,28	152,12
11-12	3,24	19,204	53,43	75,87	1,85	125,2	-	61,28	186,48
12-13	2,5	32,123	76,87	110,5	1,6	176,8	-	61,28	238,08
13-14	-	30,77	110,5	141,27	1,59	224,62	-	61,28	285,9

1.5.Шаҳар бўйича ҳисобий сарфларни аниқлаш

Маиший-хўжалик канализация тармоқларига тушадиган оқова сувлар сарфи аҳоли учун саноат корхоналари учун ва коммунал хўжаликлари учун алоҳида аниқланади.

Оқова сувларнинг ҳисоби сарфи деб, канализация тармоқларини ва иншоотларини ҳисоблаш учун ишлатиладиган оқова сув сарфига айтилади. Ҳар хил турдаги канализация иншоотларини ҳисоблаш учун, суткадаги, соатдаги, секунддаги уртача, максимал, минимал оқова сув сарфини аниқлашга тугри келади.

Одатда суткалик ва соатдаги сарфлар метр кубда, секунддаги сарфлар эса литрда улчанади.

Шаҳар аҳолисининг маиший хўжалик эҳтиёжларини сув билан кондиришдан ҳосил бўлган оқова сув сарфини, шу шаҳарда жойлашган минтакалар учун қабул қилинган оқова сув меъёрига қараб, ҳар бир квартал учун алоҳида аниқланади.

Суткадаги уртача сув сарфини аниқлаш учун, кварталдаги аҳоли сонини, шу квартал жойлашган минтака учун қабул қилинган оқова сув меъёрига қупайтирилади, яъни:

$$Q = \frac{Nq_n}{1000}; \quad m^3/сут;$$

бунда, N - кварталда яшайдиган аҳоли сони;

q_n - 1 киши учун суткадаги оқова сув меъёри, л/сут.
1000-

Бир кеча-кундуздаги максимал сарф:

$$Q_{\max} = Q_{\text{mid}} K_1; \quad m^3/сут;$$

Бир кеча-кундуздаги минимал сарф:

$$Q_{\min} = Q_{\text{mid}} K_1'; \quad \text{м}^3/\text{сут};$$

бу ерда:

$Q_{\max}$ - йиллик бир кеча кундуздаги максимал сарф, $\text{м}^3/\text{сут}$;

$Q_{\min}$ - йиллик бир кеча кундуздаги минимал сарф, $\text{м}^3/\text{сут}$;

Q_{mid} -йиллик бир кеча кундуздаги ўртача сарф, $\text{м}^3/\text{сут}$;

K_1 — ва K_1^1 —нотекислик коэффциентлари

K_1 - 1,1-1,3; K_1^1 -0,7-0,9 тенг;

$$K_1 = \frac{Q_{\max}}{Q_{\text{mid}}}; \quad K_1^1 = \frac{Q_{\min}}{Q_{\text{mid}}};$$

Соатдаги уртача сув сарфини куйидаги формула оркали аникланади:

$$q_{\text{mid}} = \frac{Q_{\text{mid}}}{24} \quad \text{м}^3/\text{соат};$$

- соатдаги максимал сарф:

$$q_{\max} = q_{\text{mid}} K_2 \quad \text{м}^3/\text{соат};$$

$$q_{\max m} = q_{\max s} 3,6 \quad \text{м}^3/\text{соат};$$

-соатдаги минимал сарф :

$$q_{\min m} = q_{\min s} 3,6 \quad \text{м}^3/\text{соат};$$

-секунддаги ўртача сув сарфи :

$$q_{\text{mid } s} = \frac{Q_{\text{mid}}}{86,4} \quad \text{л/сек};$$

-секунддаги максимал сув сарфи :

$$q_{\max} = q_{\text{mids}} K_{\text{gen.max}} \quad \text{л/сек};$$

-секунддаги минимал сув сарфи:

$$q_{\min} = q_{\text{mids}} K_{\text{gen.min}} \quad \text{л/сек};$$

K_{gen} - умумий нотекислик коэффициенти.

2-чи жадвал

Ўртача оқова сув сарфини аниқлаш

Туманлар тартиби	кварталлар тартиби	Аҳоли сони N, одам	Нисбий оқова сув меъери (1 одамга), q_n , л/кун	Кунлик ўртача сарф, m^3 /кун, Q_{mid}	Секунддаги ўртача сарф л/сек q_{mid} (s)
I	1	675	320	216	4,12
	2	1112,4		355,8	5,58
	3	1509,3		482,8	3,67
	4	993,1		317,76	6,12
	5	1652,4		528,6	6,48
	6	2752,3		560,6	11,33
	7	3059,1		978,8	8,25
	8	2227,5		374,7	4,34
	9	1171,8		322,8	3,74
	10	1009,8		338,5	3,92
	11	1058,4		444,8	5,15
	12	1390,5		440,6	5,1
	13	1377		190	2,19
	14	594		129,6	1,5
	15	405		129,6	1,5
	16	594		190	2,19
	17	918		293,76	3,4
	18	820		329,9	3,8
	19	1031,4		329,9	3,7
		$\sum N$		$\sum Q_{mid} = 7337$	$\sum q_{\ddot{y}p} = 84,9$

		=22932			
II	1	779,2	230	178,06	2,5
	2	772,4		166,17	4,2
	3	350		80,1	5,58
	4	483		111,1	3,67
	5	534		123	6,12
	6	414		95,22	6,48
	7	543		324,89	11,33
	8	404		92,29	8,25
	9	357		82,11	095
	10	722,4		116,15	1,92
	11	232,4		53,36	0,62
	12	784		180,32	2,08
	13	534		122,12	1,42
	14	392		90,16	1,04
	15	490		112	1,3
	16	415		95,45	1,1
	17	380		87,41	1,01
	18	831		191,13	2,2
	19	191		43,13	0,51
	20	1016		233,68	2,7
	21	784		180,32	2,1
	22	539		123,97	1,43
	23	523		120,29	1,39
	24	492		120,29	1,39
	25	523		113,16	1,31
		$\sum N = 13729$		$\sum = 3157,17$	$\sum q_{yp} = 36,55$

III	1	452	320	144,64	1,67
	2	530		169,6	1,96
	3	582		186,24	2,15
	4	188		60,28	1,4
	5	643		205,76	2,38
	6	132		423,04	4,89
	7	314		100,48	1,16
	8	426		136,23	1,57
	9	660		211,2	2,44
	10	704,4		221,4	2,61
	11	551		240,3	2,78
	12	330		105,6	1,22
	13	480		153,6	1,77
	14	429,6		137,47	1,59
	15	342		109,44	1,26
		$\sum N = 8153$		$\sum Q_{mid} = 2608,96$	$\sum q_{yp} = 30,196$
жами		44814		13103,87	151,646

1.6. Саноат корхоналари бўйича ҳисобий сарфни аниқлаш.

Саноат корхоналаридан оқиб келадиган оқова сув сарфини аниқлаш учун авваламбор шу уч хил турдаги оқова сувлар сарфи аникланади.

а/. Ишлаб чиқаришдаги суткалик оқова сув сарфини қуйидаги формула билан топилади:

$$Q_{\text{сут}}^w = Mm \quad \text{м}^3/\text{сут}; \quad (14)$$

бунда:

M - 1 суткада ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори тонна ёки дон
 m - битта маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган оқова сув нормаси, $\text{м}^3/\text{т}$;

Максимал сменадаги оқова сув сарфини қуйидаги формула орқали аникланади:

$$Q_{\text{max}}^w = M^1 m \quad \text{м}^3/\text{смена}; \quad (15)$$

бунда M^1 - максимал сменада ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори 60% бир кунда 2 сменада ишлаб чиқаришдан, 40%-3 сменадан қабул қилинади.

Максимал соатдаги оқова сув сарфи:

$$q_w = \frac{Q_{\text{max.с.м}}^w K}{T}; \quad \text{м}^3/\text{соат}; \quad (16)$$

Бу ерда :

K - соатдаги нотекислик коэффиценти;

T -сменанинг давом этиш вақти- 7, 8 соатга тенг қилиб олинади.

Секунддаги оқова сув сарфи :

$$q_s = \frac{q_w}{3,6} \quad \text{л/с;} \quad (17)$$

б/.Маиший сувларнинг ҳисобий сарфланганлигини аниқлаш.Ҳисобий сарфланганлик қуйидаги формулада аниқланади:

-кундалик оқова сув сарфи:

$$Q_{mid}^{x\phi} = (25N_1 + 45N_2)1000 \quad \text{м}^3/\text{кун;} \quad (18)$$

-сменадаги сарф:

$$Q_{cm}^{x\phi} = (25N_3 + 45N_4)1000 \quad \text{м}^3/\text{кун;} \quad (19)$$

-максимал соатдаги сарф:

$$q_{\max}^{x\phi} = \frac{Q_{cm}^n K^{x\phi}}{T} \quad \text{м}^3/\text{соат;} \quad (20)$$

бу ерда:

N_1, N_2 - 1 кунда ишловчи ишилар сони;

N_3, N_4 - катта сменадаги ишилар сони;

$K^{x\phi}$ —совуқ ва иссиқ цехлар уун соатдаги нотекислик коэффиценти.

Максимал секунддаги сарф:

$$q_{(s)}^{x\phi} = q_{\max}^{x\phi} / 3,6 \quad \text{л/с;} \quad (21)$$

в/.Ювиниш хоналаридаги оқова сувларнинг миқдорини аниқлаш.

Ювиниш хоналаридаги (душлардаги) сувларнинг ҳисобий сарфи қуйидаги формула орқали аниқланади.

Сменадаги оқова сув сарфи (1 соатли сарф):

$$q_{\max,cm} = q_{\max,coat} = \frac{N_5 q_g}{1000} \quad \text{м}^3/\text{смена} \quad (22)$$

$K_g=1$ -соатдаги нотекислик коэффиценти.

Кунлик оқова сув миқдори:

$$Q_{mid}^g = \frac{N_6 q_g}{1000} \quad \text{м}^3/\text{кун}; \quad (23)$$

Секунддаги сарф:

$$q_{\max(s)}^g = \frac{q_{gs} m_g 45}{60 \times 2700} \quad \text{л/сек}; \quad (24)$$

бу ерда:

q_g - душ қабул қилувчи бир киши учун тўғри келадиган оқова сув меъёри, л/сек.

У куйидагига тенг:

$$q_g = \frac{q_{gc}}{N_7} \quad \text{л/смена} \quad (25)$$

бу ерда :

$q_{g.c}$ - 1та душ сеткасига тўғри келувчи оқова св миқдори 500 л/соатга тенг ёки 375 л 45 минут душ қабул қилиш давомида

N_5, N_6 -бир кеча-кундузда максимал сменада душ қабул қилувчи ишчилар сони, одам;

N_7 -битта душдан фойдаланувчи ишилар сони, одам;

m_g - душ сеткалари сони

$$m_g = N_6 / N_7 \quad \text{дона.} \quad (26)$$

Ишчиларнинг хар бир смена охирида душ қабул қилиши натижасида хосил буладиган оқова сувларни 45 минут давомида канализация қувурларига оқиб тушади деб қабул қилинган. Саноат корхоналарида маиший-хужаликда

урнатилган душхоналарда хосил буладиган окова сувларнинг хисобли сарфини, душ сеткаларнинг сонига караб аникланади.

Душ сеткаларининг сони саноатнинг санитария ҳолатига,душ қабул қилиши лозим бўлган одамлар сонига боғлиқдир. Битта душ сеткаси учун бир соатда сарфланадиган сув меъёри 500 л қабул қилган ва нотекислик коэффиценти 1 га тенг.

1.7.Тармоқни гидравлик ҳисоби

Тармоқларни гидравлик ҳисоблаш қуйидаги формулалар билан топилади:

1. Мунтазам сарф формуласи

$$q = wv \quad (27)$$

2.Оқим тезлигини аниқлаш учун Шези формуласи:

$$v = C\sqrt{RI} \quad (28)$$

бунда :

q -оқова сувлаорнинг максимал ҳисобий сарфи, м³/с;

R - гидравлик радиус , м;

w - кувурнинг кундаланг кесим юзаси ,м;

I - оқимнинг гидравлик қиялиги;

v - окова сувнинг уртача оқиш тезлиги ,м/с;

C - кувурнинг узунлиги бўйича ишқаланиш коэффициент каршилиги қуйидаги ифода оркали аникланади:

$$I = \frac{v^2}{C^2 R} \quad (29)$$

КМК бўйича (29) формулага тенг бўлган Дарси формуласидан фойдалансак ҳам бўлади:

$$I = \frac{\lambda}{4R} \times \frac{v^2}{2g}; \quad (30)$$

бунда :

λ -кувур узунлиги бўйича қаршилик коэффиценти;

g -эркин тушиш тезланиши, м/с² ;

С ва λ қаршиликлар коэффиценти белгилари ўртасида қуйидаги боғлиқлик мавжуд:

$$C = \sqrt{8g / \lambda} \quad \text{ва} \quad \lambda = 8g / C^2 \quad (31)$$

С- қаршилик коэффиценти қуйидаги формула билан топилади:

$$C = \frac{1}{n} R^y \quad (32)$$

бу ерда:

n - ғадир-будирлик коэффиценти, қувурлар материалига қараб 0,012 дан 0,015 гача олишимиз мумкин:

y -ғадир будирлик ва гидравлик коэффицентлар кўрсаткичларига боғлиқ ҳолдаги даража кўрсатгичи.

$$y = 2,5\sqrt{n} - 0,13 - 0,75\sqrt{R}(\sqrt{n} - 0,1). \quad (33)$$

Диаметри 4000 мм гача бўлган канализация коллекторларида гидравлик радиус 1 метрдан кам , $R < 1$ ва $n = 0,013$, бўлганда эса

$$y = 1,5\sqrt{n} = 1/6 \quad (34)$$

$y = 1/6$ мунтазам кўрсатгич бўлганда

$$C = \frac{1}{n} R^{1/6} \quad (35)$$

Ёки

$$C = \frac{1}{n} R^{0,17}; \quad (36)$$

$y=0,17$ деб олсак

$$\nu = \frac{1}{n} R^{0,67} I^{0,5}; \quad (37)$$

C нинг қийматини (27) формулага қўйиб,

$$q = \frac{1}{n} w R^{0,67} I^{0,5} \text{ ни оламир} \quad (38)$$

а/босимли оқим учун :

$$\frac{1}{\sqrt{\lambda}} = -2 \lg \left(\frac{\Delta_s}{3,42d} + \frac{a_2}{Re} \right); \quad (39)$$

б/ босимсиз оқим учун:

$$\frac{1}{\sqrt{\lambda}} = -2 \lg \left(\frac{\Delta_s}{13,68R} + \frac{a_2}{Re} \right); \quad (40)$$

a_2 – қувур материалнинг абсолют гадир-будирлиги ҳисобга олувчи ўламсиз коэффициент; см ,

Δ_s - қувур гадир-будирлиги коэффициентининг абсолют эквиваленти, см;

Re - Рейнольдс сони ;

R - гидравлик радиус ,см;

$n=0,0392 \sqrt{\Delta_s}$ га тенг.

Босимсиз канализация тармоқларида қувурларнинг диаметрларини оқова сувларнинг оқиш тезлигини, қувурларнинг тулдирилганлик даражасини ва қувур қияликларини оқова сувларнинг секунддаги максимал сарфига кўра, формулалардан фойдаланиб тузилган жадвал, графика ва номограммалар орқали аниқланади

6 -чи жадвал

Қувурларнинг ғадир-будирлик коэффициентлари кўрсаткичлари

Коллекторлар	коэффициент		
	ғадир-будирлик, n	ғадир-будирлик эквиваленти Δ_3	Қувур материалитрига кўра ғадир-будирлик, a_2
Қувурлар			
Сопол	0,013	0,135	90
Асбестцемент	0,012	0,06	73
Бетон ва темирбетон	0,014	0,02	100
Чўян	0,013	0,1	80
Пўлат	0,012	0,08	79

7-чи жадвал

махаллий каршиликлар номи	каршиликлар кийматлари
Қувурдан чиқиш	

тирсакларнинг эгилиш бурчаги	
30 ⁰	0,07
45 ⁰	0,18
75 ⁰	0,63
90 ⁰	0,98
Зулфин, очилиш даражаси буйича	
7/8Д	
6/8Д	0,07
5/8Д	0,26
1/2Д	0,81
3/8 Д	2,06
	5,52

1.8. Оқова сув ларни оқизиш тизимларида жойлашган иншоотлар

